

## ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

**Мазаидов Авазбек Ғуломович**

*Кўқон шаҳар ЎзЛиДеп фахрийлар кенгаши раиси  
Фарғона вилояти ЎзЛиДеп сиёсий кенгаши аъзоси*

*Фарғона Давлат университетининг  
Юриспруденция йўналиши 4-курс талабаси*

**Аннотация:** Уибу мақолада мамлакатимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни бартараф этиши юзасидан олиб борилган ислоҳотлар, уларнинг самараси ёритилган. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳақида қиска таққослама маълумот берилиб келажакда уибу йўналишида муаммоларни бартараф этиши юзасидан таклифлар баён этилган.

**Аннотация:** В статье рассматриваются реформы, проводимые в нашей стране по искоренению правонарушений и преступности среди молодежи, и их эффективность. При этом дается краткий сравнительный анализ правонарушений и преступлений, совершаемых среди молодежи, а также вносятся предложения по устранению проблем в этой сфере в будущем.

**Калит сўзлар:** ёшлар, ҳуқуబузарлик, жиноят, вояга етмаганлар, жиноят олдини олиш, келажак.

**Ключевые слова:** молодежь, правонарушение, преступление, несовершеннолетние, предупреждение преступности, будущее

Ёшлик инсоннинг порлоқ келажаги учун уруғ қадайдиган баҳор палласидир. Бу неъматдан унумли фойдаланиб, ўзининг салоҳиятини ошириб борган, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга киришган инсоннинг эртаси нурафшон. Аммо айримлар “Ёшлик - бебошлиқ” дея ножӯя ҳаракатларга қўл уриб жиноят кўчасига кириб қолганини билмай қоляпти. Бундайлар ўз бошига ўзи кулфат сотиб олади, десак хато бўлмайди. Агар улар ҳам ўз муваффақиятлари билаг юрт равнақига ҳисса қўшаётган ёшлардан ибрат олганида, уларнинг ота-оналари фарзандларига бефарқ бўлмаганларида эди бугун ёшлар жиноятчилиги анча камаярди. Адашган ёшлар майда безорилик, ўғриликка қўл уриб бебаҳо, бетакрор умрнинг олтинга тенг даврини панжара ортида ўтказмаган бўлардилар.

Халқимизнинг бугунги тараққиёт йўли умуминсоний қадриятларга содиклик, халқимизнинг маънавий меросини тиклаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз ижодий имкониятларини эркин намоён қилиш ва ниҳоят, ватанпарварликка асосланган бўлиб, бундан кўзланган олий мақсад келажаги буюк давлат барпо этишdir.

Мустақилликнинг ilk кунлариданоқ мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳаётимизнинг

бошқа жабҳалари билан ўзаро чамбарчас боғлаган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди.

Мазкур стратегияга мувофиқ мамлакатимизда фукаролар эркинликлари ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса ўз навбатида барча давлат идоралари қатори хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириб бориш, шу билан бир қаторда вояга етмаганларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган ишларни фаол амалга оширишни тақозо этади.

Вояга етмаганлар ҳақида гап борганда, вояга етмаганлар билан боғлиқ одил судловни амалга оширишнинг хуқуқий, ташкилий, психологик ва тарбиявий жиҳатлари жуда ҳам мухим ва долзарб масала эканлигини қайд этиш жоиз. Мазкур соҳада олдимизга кўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида вояга етмаганларга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган мукаммал хуқуқий базанинг яратилганлиги ва уни амалга ошириш механизмларининг ташкил этилганлиги дикқатга сазовордир.

Ёшлар эртамиз кўзгуси. Уларнинг келажаги бутун бир миллатнинг ширин ташвишидир. Ҳозирда барча жабҳада ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш учун нафақат ота-она, маҳалла, балки бир қатор ташкилот ва идоралар ҳам маъсул этиб белгандан.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик беш йил ичидаги 4,4 баробар ошди. 2023 йилда Ўзбекистонда қарийб 3600 нафар вояга етмаганлар жиноят содир этган. Беш йил ичидаги бу кўрсаткич 4,4 баравар ошди. Йил давомида товламачилик ҳолати сони 70%, безорилик 60%, қасдан оғир тан жароҳати олиш 40% ошди. Мутасаддилар “Касални даволагандан қўра, олдини олган мақул”, деган нақлга амал қилган ҳолда жиноят билан курашишда дастлаб ёшларни жиноят қилишга ундейдиган сабаблар, ҳолатларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўрмокда. Ёшлар орасидаги жиноятларнинг илдизи ҳам худди шу жиҳатлардан қидирилмоқда.

Маълумки, ёшлар асосан бекорчилиги, эътиборга муҳтоҷлиги, хуқуқий саводхонлигининг пастлиги туфайли жиноят содир этади. Муаммога ечим топиш мақсадида Ёшлар иттифоқи хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларнинг сиёсий фаоллиги, хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган сай-харакатларни кучайтириб боряпти.

Давлат органлари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ва бошқа нодавлат тузилмаларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини бирлаштириш орқали ишлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси

билин ҳар хафтанинг пайшанба куни – “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланди ва бугунги кунда жойларда бу амалиёт ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини бардавомлигини таъминлаш ва ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев 2021 – йилни Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, ҳамда 2024 – йилни Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилиш таклифини бериш бежизга эмас эди. “Умуман олганда, ҳар қандай жамият тараққиётида ҳар қандай жамият тараққиётида ҳал қилувчи ролни ушбу жамиятнинг келажаги боғлиқ бўлган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ривожланиши уйнайди. Шунинг учун ислоҳотларимизни кенгайтириш ва самарадоргини янада ошириш масалаларида биз замонавий билим ва қўникмаларга эга бўлган ғайратли, ташаббускор, ҳар томонлама ривожланган ёшларимизни ўзимизга таянч деб биламиз. Мамлакатда янги Уйғониш даврининг пойдеворини шакллантириш учун янги Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоий ва Бобурларни тарбиялаш учун муҳит ва шароит яратиш зарурлигини, бизнинг энг устувор вазифамиз улкан мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш учун ваколатли ёшларни яратиш бўлиши керак. Шундагина болаларимиз ҳалқимизнинг азалий орзуларини амалга оширадиган ҳақиқий кучга айланади” деб таъкидлади Президентимиз.

Келажагимиз ёшларнинг қўлида эканлигини унутмаган ҳолда улар томонидан жиноят ёки хуқуқбузарлик эмас, эзгу ва бунёдкорлик ташаббуслари чиқишини, шундай ишлар амалга оширилишини таъминлаш учун барчамиз бирдек ҳаракатда бўлмоғиимизни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.:“Ўзбекистон”, 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс lex.uz
4. <https://www.gazeta.uz/ru/2024/02/26/youth-crime/>